O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
21 июль
ШАНБА

№ 59
(11.966)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади






## ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ БИЛАН

**Бўка туманидаги «Жамбул» фермерлар уюшмасида жойлашган 31-умумтаълим мактабида кенг кўламдаги бунёдкорлик лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унга кўра, бу ерда 400 нафар ўқувчига мўлжалланган қўшимча ўқув биноси барпо этилмоқда. Жорий йилнинг январь ойида бошланган қурилиш-монтаж ишларининг умумий қиймати 301 миллион сўмни ташкил этмоқда.**

Тумандаги «Бунёдкор» кўп тармоқли қурилиш фирмаси эса бу борада жонбозлик кўрсатмоқда. Жамоанинг асосий эътибори зиммага юклатилган вазифани ўз вақтида ва сифатли тарзда амалга оширишга қаратилган.

– Ҳозирда 24 нафар қурувчимиз мактаб қурилишига жалб этилган, – деди «Бунёдкор» қурилиш фирмасининг раҳбари Баҳром Ғофуров. – Ишлаш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Зарурий қурилиш жиҳозлари ўз вақтида етказилмоқда. Биздан талаб қилинадигани эса, шу ойнинг охирига барча ишларни ниҳоялаш.

**СУРАТЛАРДА:** (чапдан) бўёқчи Зиёдулла Жумаев, мактаб директори Мадад Худойбердиев ҳамда иш юритувчи Азим Ибрагимов иш суръатини кўздан кечиришмоқда; бинонинг олд кўриниши.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

**Президентимизнинг шу йил 30 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори жойларда энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш борасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.**

Бу борада Тошкент вилоятида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туманларда ушбу қутлуғ сана олдидан маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказиляпти.

Ана шундай тадбирлардан бири Юқоричирчиқ туманида бўлиб ўтди. Вилоят Маънавият тарғибот маркази ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, истиқлолнинг илк йиллариданоқ аҳолининг барча қатламларига кўрсатиб келинаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтдилар. Мустақилликни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбида она-Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини янада юксалтириш борасида таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросида янграган куй ва қўшиқлар тадбирга янада файз ва шукуҳ бағишлади.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этмоқда.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

## АДИБ МЕРОСИГА ЭЪТИБОР

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш, ушбу соҳа намояндаларининг бебаҳо меросини асраб-авайлаш ва ундан халқимиз, айниқса, ёш авлодни баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 январда қабул қилган "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир ёрқин намунасидир.**

Ҳужжатда адибнинг пойтахтимиздаги уй-музейи экспозициясини бойитиш, ушбу масканни таъмирлаш ва янада ободонлаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Шу кунларда музейда таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Музей директори Нодира Жалолованинг маълум қилишича, бугунги кунда музейдаги экспонатлар сони тўрт ярим мингдан ортади. Улар адиб ҳаёти, фаолияти ва ижоди билан боғлиқ шахсий буюмлар, қўлёзма асарлар, фотосуратлар, тарихий ҳужжатлар ва бошқа материаллардан иборатдир.

Янги экспозицияда "Устоз ибрати", "Абдулла Қаҳҳор ва мустақиллик даври адабиёти", "Адабиётимиз фахри", "Халқ севган адиб" каби китоб ва рисолалар, ўтган асрнинг 20-йилларида нашр этилган "Ислоҳ", "Ер юзи" каби журналлар, фотоальбомлар алоҳида ўрин тутади. Улар адибнинг ҳаёти ва ижодига оид илмий-таҳлилий мақолаларга, ёрқин хотираларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

Юбилей муносабати билан WWW.QAHHOR.EDUNET.UZ электрон саҳифаси яратилди. Унда адиб ҳаёти ва мероси, ўтказилаётган тадбирлар хусусида батафсил маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар иштирокида таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда турли учрашувлар, адабий анжуманлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар адиб фаолияти ва ижодидан халқимиз, айниқса, ёшларни, адабиёт мухлисларини баҳраманд этиши билан бирга музей экспозициясининг янги материаллар билан бойишига ҳам хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси таълим даргоҳларининг иқтидорли талабалари ўртасида устоз адиб ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган энг яхши тасвирий асарлар кўргазмаси ва кўрик-танлови ўтказилди. Унда ёзувчининг "Бемор", "Сароб", "Қўшчинор чироқлари", "Синчалак", "Анор" каби роман ва ҳикояларига бағишланган икки юзга яқин картина намойиш этилди. Танлов ғолибларининг расмлари музей экспозициясидан жой олади.

Таъмирланаётган музейда адибнинг ижодхонаси ва меҳмонхона асл ҳолида сақланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бойитилаётган экспозицияда турли буюмлар, адиб асарларининг қўлёзмаси ва уларнинг турли вариантлари, газета ва журналлар, фотосуратлар, ёзишмаларга кенг ўрин берилади. Бу ерда, шунингдек, ёзувчининг ўнлаб хорижий тилларда чоп этилган китоблари, Абдулла Қаҳҳор маҳорат билан таржима қилган жаҳон мумтоз адабиёти намуналари билан ҳам танишиш мумкин.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## «ТОНГ»ДА СИЗ КУТГАН ТЕАТР

**Ангрендаги Чиғириқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Тонг» маданият марказида Болалар театри фаолият юритмоқда.**

– Театр саҳнасида намойиш этилаётган афсонавий эртаклар, болалар ҳаётига оид саргузашт-спектакллар ўқувчиларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишларига кўмаклашмоқда, – дейди марказ раҳбари Татьяна Рагузова. – Бундан ташқари, бу ерда ўсмирлар ва аёллар клублари ҳам иш олиб бормоқда.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Афғонистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Афғонистон Ислом Республикаси савдо ва саноат вазири Мир Амин Муҳаммад Фарханг раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси иштирок этди.**

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компанияларидан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия ҳамраиси Н.Хонов Афғонистон мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар йўналишларда, нефть-газ саноати ва энергетика соҳаларида изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда электр энергетикаси, йўлсозлик, кўприксозлик соҳаларидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажмини ошириш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

Афғонистон делегацияси раҳбари Мир Амин Муҳаммад Фарханг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан ҳамда Афғонистондаги тиклаш ишларида Ўзбекистон фаол қатнашаётганидан мамнуният изҳор этди.

Қўшма комиссия мажлиси доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Афғонистон ишбилармон доиралари вакилларининг кооперацион биржаси бўлиб ўтди. Унда Кобул-Тошкент-Кобул йўналиши бўйича тўғридан-тўғри ҳаво транспорти қатновини очиш, банк иши, нефть-газ, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, озиқ-овқат, мева-сабзавот савдоси, электр ускуналари, металл ва металлдан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида сўз борди.

**ЎзА.**

## БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Тошкентда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида қандли диабет билан касалланган бемор болалар учун хайрия акцияси ўтказилди.**

«Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан бемор болаларга, кам таъминланган оилалар фарзандларига амалий кўмак бериш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу акция ҳам бемор болаларни кўнглини кўтариш, уларнинг руҳиятида келажакка бўлган ишончни янада оширишга қаратилди.

Тадбирда мазкур касаллик билан оғриган бемор болаларга ташкилотчилар томонидан керакли дори-дармон воситалари топширилди.

«Замонавий эстрада рақс» тўгараги аъзоларининг маданий дастури, Турон яккакураши спортчиларининг чиқишлари ҳамда жамғарма томонидан тузилган викторина саволлари эса тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

*Тақдимот*

**Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган турли сабзавоту ноз-неъматларни қайта ишлаш, қадоқлаш ҳамда тайёр маҳсулотларни эл дастурхонига юқори сифатда етказиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



## ДАЛИГУЗАРДА ЯНГИ КОРХОНА

Жумладан, Зангиота туманида фаолият кўрсатиб келаётган 4 та агрофирма ўз тасарруфидаги фермер хўжаликларига қулайликлар яратиш, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида кўплаб янги иш услубларини қўллаб келмоқда. Куни кеча Қатортол қишлоғиди ўз фаолиятини бошлаган «ULUG`BEK BAXT YULDUZI» агросаноат фирмасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

– Бугунги кунда қишлоқда юздан зиёд фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг бари ғалла, узумчилик, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган, – дейди агросаноат фирмаси раҳбари Бурхон Маъдалиев. – Бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 1 минг 130 тоннага етиб, деҳқон-фермерлар билан тузилган умумий шартномалар 182 тани ташкил этди. Қолаверса, агрофирма пойтахт деҳқон бозорлари билан 118 миллион сўмлик 678 тонна маҳсулот сотиш учун ҳам шартномалар тузган.

Янги очилган корхонада қуритилган маҳсулотлар Россия, Туркия ва Хитой технологиялари асосида ихчам ва бежирим кўринишда қадоқланади. Ҳозирда 11 нафар ишчи қабул қилиниб, уларга ўртача 120 минг сўмдан маош белгиланган.

Шунингдек, агрофирма қошида томат, сок тайёрлаш цехи ҳамда сабзавот-мевалар учун пластмасса идишлар ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ҳозирда бу лойиҳаларга 260 миллион сўм маблағ йўналтирилган. Барча режаларни амалга ошириш баробарида жами 230 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Тайёр маҳсулотларни келгусида экспортга жўнатишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.



Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларда агрофирманинг самарали ҳиссасини алоҳида эътироф этишди.

Корхонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Турсунбой Комилов иштирок этди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тақдимот маросимидан лавҳалар.

**Мурод НУРМАТОВ олган суратлар.**



**СУРАТДА:** учрашув пайти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

**Бекобод шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Андижон-1» маҳалласида мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган «Икки авлод учрашуви» бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бўлими, маҳалла фаоллари, кекса авлод вакиллари ва ёшлар иштирок этишди.**

– Ҳадемай, юртимизда ҳурлик, озодлик шамоли эса бошлаганига ўн олти йил тўлади, – деди меҳнат фахрийси Ражабали ота Холиқов. – Мустақиллик йилларида амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларини ўзингиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибсиз. Ҳозир дунёнинг кўп мамлакатларида нотинчлик ҳукм сурмоқда. Шунга қарамай, эмин-эркин, тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз. Бу неъматларни қадрига етиш, авайлаб-асраш сизу бизнинг, айниқса, ёшларнинг муқаддас бурчидир.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Мавлуда ая Акбарова, Муяссар Мамадалиева, ёшлардан Отабек Бобохонов ҳам Ватанни ардоқлаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳақида ўз фикрларини баён этдилар.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

# АВИАКОМПАНИЯ ЁРҚИН УФҚЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

**"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бугун халқаро авиаташишлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб турибди. Мустақиллик йилларида миллий авиакомпания мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли соҳада бир қатор ислоҳотларни амалга оширди ва хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтарди.**

Бунинг учун ҳаво кемалари парки янгиланди, Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий базаси ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилинди ва бутун Ўзбекистон ҳудудида МДҲда ҳаво қатновини бошқаришнинг энг яхши тизимларидан бири ҳисобланган навигация тизими такомиллаштирилди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича компаниянинг ўз базаси яратилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиши ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланиши учун имкон яратди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" ўз фаолияти давомида парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш соҳасида бир неча бор нуфузли мукофотларни қўлга киритди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг фуқаро авиацияси соҳасида танлаган стратегиясининг тўғрилигини исботлайди. Истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида ўтказилган, 2007 йил биринчи ярим йиллиги натижалари сарҳисоб қилинган йиғилишда шулар ҳақида батафсил гапирилди.

Авиакомпания матбуот хизматининг маълумотларига кўра, ўтган олти ой мобайнида 11069 та ҳаво қатнови амалга оширилган. Бу 2006 йилнинг шу даврига қараганда 409 тага кўпдир. Йўловчиларни ташиш 16, юк



ташиш 19,4 фоизга ўсди.

Янги йўналишларни очиш бўйича аниқ йўналтирилган ишлар ҳам давом эттирилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг олти ойида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Сочи ва Қоҳирага мунтазам парвозларни амалга ошира бошлади. Нью-Йорк, Тель-Авив, Бангкок, Бишкек, Санкт-Петербург, Самарқанддан Санкт-Петербург ва Москвага парвозлар сони кўпайтирилди. Термиздан Москвага ҳаво қатнови йўлга қўйилди. Тошкент-Ашхабод, Тошкент-Киев ва Тошкент-Симферополь авиайўналишлари бўйича парвозлар сонини кўпайтириш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Яқин вақт ичида Тошкент-Милан (Италия) йўналиши бўйича илк парвоз амалга оширилади.

Бундан ташқари, электрон чипталар тизимини жорий этиш истиқболдаги муҳим вазифа ҳисобланади. Авиакомпания 2008 йил бошида электрон тикетингни жорий этишни режалаштирмоқда. Бунинг учун ҳозир жаҳон авиаташишларни сотиш тизимларида "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг тўғридан-тўғри йўналишлари бўйича мавжуд барча тарифлар чоп этилган.

Жорий йил миллий ташувчилар учун аҳамиятли бўлди. Май ва июнда "Боинг" авиация-космик корпорацияси билан иккита "Driamliner" Боинг-787 самолёти ва "Эрбас Индастри" консорциуми билан олтита А-320-200 лайнерини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзоланди. Миллий авиакомпания ҳаво кемалари паркини унификация қилиш дастурини амалга ошириш борасида ҳам дастлабки ишлар бажарилди. Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётлардан ташқари ўзимизнинг Ил-114-110 лайнерларини сотиб олиш режалаштирилмоқда. Йил охирида "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти авиакомпанияга "Коллинз" фирмасининг энг янги авионикаси ўрнатилган дастлабки иккита машинани етказиб беради.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тяннинг сўзларига қараганда, авиакомпания парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва аҳолисининг йўловчилар ҳамда юкларни ташиш борасидаги эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондиришга жиддий эътибор қаратишни давом эттиради. Шу билан бирга, техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, авиакомпаниянинг жаҳон авиаташишлар бозорида эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳам катта аҳамият беради.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Қишлоқ мулкдорлари



# ҲАР ТУП ҒЎЗА ЭЪТИБОРДА



***Бўкалик фермер Рустамжон Уккибоев бундан саккиз йил муқаддам мустақил заминдор сифатида иш бошлаган эди. Омилкорона меҳнат, тўпланган тажриба ва энг муҳими, тармоқни изчил ривожлантириш учун давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрлик туфайли бугун у бош бўлган «Алим ота» туманнинг иқтисодий барқарор хўжаликларидан бирига айланди.***

– 48 гектар ерда пахтанинг С 65-24 навини парваришлаяпмиз, – дейди фермер Р. Уккибоев. – Мавсум бошидан буён олти мартта минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ишлов бердик. Иккинчи сувдан чиққан ғўзаларимиз мустаҳкам ривожланаяпти.

Дарҳақиқат, ҳозир пахтачиликда ҳосил тақдири ҳал бўладиган ғоят муҳим палла. Буни яхши англаган фермер бошчилигидаги 32 нафар хўжалик аъзоси туну кун экин қошида парвона бўлиб, барча агротехник тадбирларни вақтида, сифатли бажариш ҳаракатидалар. Бунинг учун хўжаликнинг техник имкониятлари етарли.

Юқори ҳосилдорлик эвазига ўтган йили 61 миллион сўмдан зиёд даромад кўрган хўжалик аъзолари бу мавсум бундан ҳам юқори натижаларни кўзлашган.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

**СУРАТЛАРДА:**
экинга навбатдаги ишлов берилмоқда; фермер Рустамжон Уккибоев пахта даласида.
**Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

# ИҚЛИМ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

**«ЭКОСАН» халқаро ташкилотида «Инфекция муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳамда иссиқ иқлим шароитида турмуш тарзи ва инсон саломатлиги» мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

Унда «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эпидемиология, микробиология ва инфекцион касалликлар илмий-тадқиқот институти ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган юқумли касалликлар шифохоналари, Давлат санитария ва эпидемиология назорати марказлари раҳбарлари иштирок этиб, мазкур масала бўйича ўз муносабатларини билдирдилар. Шунингдек, конференцияда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, санитар-гигиеник, экологик маданият ва билимни тарғиб қилиш мақсадида юқумли касалликлар шифохоналари орасида «Санитар-гигиеник ва экологик маданияти юқори шифохона», «Йилнинг энг яхши санитар врачи», «Энг ибратли участка врачи» республика кўрик-танловлари ҳам эълон қилинди.

Инфекцион жараён – биологик табиатнинг энг мураккаб ҳодисаларидан бири. Шу нуқтаи назардан, инфекцияга ва инфекцион касалликларга қарши курашиш масалалари йиллар давомида жамият учун жиддий муаммо ҳисобланган. Одамзот умри мобайнида табиат инжиқликларига мослашиб келган. Шунга кўра, бугунги кунда кузатилаётган иқлим ўзгаришларининг, жумладан, ҳарорат кўтарилишининг атроф-муҳитга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, инсон саломатлигига бўлган таъсири ва унинг оқибатлари ҳамиша диққат-эътиборда бўлиши талаб этилмоқда. Таъкидланишигача, охирги юз йилликда дунёда ҳавонинг ҳарорати ўртача 0,6°С ошган. Глобал исиш музларнинг эришига, дунё океани сатҳининг кўтарилишига, чўлланиш жараёнларининг кучайишига олиб келмоқда.

Мутахассислар томонидан келтирилган маълумотларга кўра, ҳаво ҳарорати ва ўткир ичак касалликлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шу билан бирга, ёғингарчилик кўпайиши ҳам паразитар касалликларнинг кўпайишига туртки беради. Иссиқ иқлим шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва ташишда турли токсинлар билан ифлосланиш ҳолатлари кузатилади. Бу эса инсон саломатлиги учун катта хавф солиб, юрак уришининг тезлашуви, қон босимининг ошиши, интенсив терлашлар ва ҳаёт учун зарур бўлган микроэлементлар ҳамда энзимларнинг йўқолишига олиб келади.

Конференция иштирокчилари инфекция ва унга қарши курашиш ҳамда ҳаво ҳароратининг кўтарилиш жараёнида тўғри турмуш тарзини режалаштириш масалалари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

**Самарқандда ашула ва рақс дасталарининг республика кўрик-фестивали бошланди.**

Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг 2750 йиллиги муносабати билан ташкил этилган, "Самарқанд садолари" деб ном олган мазкур санъат байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан танловнинг дастлабки босқичларида сараланган жамоалар иштирок этмоқда.

Регистон мажмуасидаги Шердор мадрасасида кўрик-фестивалнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар иштирокчиларга омад тилаб, Самарқанднинг қутлуғ юбилейи арафасида ўтказилаётган ушбу тадбирнинг қадимий куй-қўшиқларимизни тиклаш, миллий мусиқанинг санъатимиз ривожидаги аҳамияти беқиёслигини таъкидлашди.

Фестиваль қатнашчилари уч кун давомида вилоятнинг бир қатор шаҳар ва туманларида ҳам ўз дастурларини намойиш этади.

**ЎзА.**

## ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси йўловчилар учун байрам совғаси тайёрлади. Қарши-Москва-Қарши йўналишида замонавий "Боинг-757" самолёти хизмат кўрсата бошлади.**

Ушбу йўналиш бўйича илк парвозни амалга оширган "Боинг-757" самолёти Қарши аэропортига келиб қўнди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда авиайўловчилар учун яратилаётган қулайликлар, парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар хусусида тўхталдилар.

**ЎзА.**

**"Эксперт РА" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига "А" таснифидаги – юқори даражали кредит рейтинги берди.**

# БАНККА КРЕДИТ РЕЙТИНГИ

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида банк-молия тизимини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. МДҲ мамлакатларида банклар фаолиятини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи йирик халқаро ташкилотлардан бири бўлган "Эксперт РА" халқаро рейтинг агентлиги томонидан берилган кредит рейтинги Ўзбекистон банк-молия тизими мақомининг халқаро миқёсдаги яна бир юксак эътирофидир.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Меҳриддин Абдуллаевнинг таъкидлашича, бугунги кунда ушбу банк Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Корея Республикаси Эксимбанки, Хитой Халқ Республикаси тараққиёт банки, Россиядаги "Внешэкономбанк" ва "Внешторгбанк" каби хориждаги етти юзга яқин молия муассасаси билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Нуфузли кредит-молия муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик юртимизда банк-молия тизимини янада ривожлантиришга ва келгусида мазкур соҳа имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Сўраган эдингиз

# УЙ-ЖОЙИНГИЗ ЭГАЛИМИ?

***Ёши бир жойга бориб қолган қўшним якка ўзи яшайди. Яқинда уни то вафотига қадар боқиб, иссиқ-совуғидан хабар олиб турсам, уй-жойини менга хатлаб беришини айтди. Бу жараёнда амал қилиниши лозим бўлган, давлат томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар борми? Ўзгалар уй-жойига эгалик қилиш қандай расмийлаштирилади? Шу ҳақда тушунча берсангиз.***

***Абдурасул АБДУКАРИМОВ,***
***ҳайдовчи.***

Албатта, ҳар бир олди-сотди, шунингдек, мерос масалаларида ҳам давлат томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатлар ва талаблар бор. Агар бирор инсон уй-жойини ўзини умрбод моддий ва маънавий таъминланишини шарт қилиб қўйиб, бошқа кишига берадиган бўлса, албатта, ўртада шартнома расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530-534-моддаларида умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома тушунчаси қайд этилган. Бундай шартноманинг шакли ва шартлари тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқиб ўзгариши ёки бекор қилиниши мумкин.

Унга кўра уй-жойни олувчи берувчини умрбод моддий ва маънавий таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади. Яъни, уй-жой билан таъминлаши, овқатлантириши, парваришлаши ва бошқа зарур ёрдамларни кўрсатиши лозим. Бунинг эвазига эса берувчи унга уй-жойни ёки унинг бир қисмини мулк қилиб қолдириш мажбуриятини олади.

Ана шундай шартлар ва бошқа талаблар шартномада, албатта, ўз ифодасини топмоғи лозим. Шундагина таъминотчига таъминот олувчининг уй-жойи мулк қилиб берилади.

Шартномада албатта қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жойнинг тарафлар келишуви билан белгиланган қиймати кўрсатилиши лозим.

Бундай шартномалар, албатта, ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши зарур.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномасига кўра, таъминот берувчига мулк ҳуқуқи ўтади, бироқ ушбу шартнома амал қилиш муддати ичида, яъни таъминот олувчининг вафотига қадар, мулкни сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш, умуман тасарруф этишга йўл қўйилмайди.

Агарда таъминот бериш мажбуриятини олган шахс ўзининг мажбуриятларини умуман ёки етарли даражада бажармаса, таъминот олувчи шартномани бекор қилиш ёки шартларини ўзгартириш ҳуқуқига ҳақли.

Шу ўринда савол туғилади: умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома билан уй-жойни тасарруф этишга тааллуқли шартномалар ва васиятномаларда фарқ борми?

Албатта, бундай шартномалар ўртасида фарқ бор.

Масалан, уй-жойни олди-сотди ёки ҳадя шартномалари иккала тарафнинг келишувига асосан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ёки суд тартибида тарафлардан бирининг талаби бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномага кўра таъминот мажбуриятини олган шахс ўз мажбуриятларини бажармаса таъминот олувчи шартномани бекор қилишни ёки шартларини ўзгартиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

***Жамила ҚОДИРОВА,***
***давлат нотариуси.***

# МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

**Мамлакатимизда келажак авлоднинг етук инсонлар бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ҳозирги кунда маданият ва спорт соҳаларида ҳам иқтидорли, ўз меҳнати, изланувчанлиги билан кўзга кўриниб бораётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади.**

Ана шундай ёшларни топиш, халқимиз орасида йўқолиб бораётган удум ва қадриятларимизни тиклаш, анъаналаримизни давом эттириб, уларни ёш авлод ўртасида тарғиб этиш маданият ходимларининг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази Сирдарё вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган минтақавий семинар «Маданий-маърифий муассасалар ходимлари фаолиятини маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнига йўналтириш» мавзусига бағишланди. Унда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари муассасалари ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутасадди ва мутахассислари сўзга чиқиб, қатнашчилар билан суҳбат олиб борди.

Шунингдек, Зангиота тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Х. Ҳамидуллаевнинг туман маданият муассасаларида маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликнинг аҳамияти тўғрисидаги маърузаси ҳам қизиқиш билан тингланди.

Семинар иштирокчилари ўзаро фикр алмашиб, маданият муассасалари ва омма орасида келгусида қилинадиган ишлар ҳақида келишиб олдилар.

**Абдуазим АБДУМАЛИКОВ,**
**вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи.**

## 01 огоҳлантиради

# ХОТИРЖАМЛИГИМИЗ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Ҳозирги кунда бизни ташвишга солаётган асосий муаммолардан бири газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлаётган ёнғинлардир.**

Айрим фуқароларимиз газ ускуналаридан фойдаланиш қоидаларига тўла риоя этмайдилар, бепарволик қилиб, эҳтиётсизлик ва эътиборсизликка йўл қўядилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шу йилнинг олти ойи мобайнида вилоятда содир бўлган 732 та ёнғиннинг 561 таси фуқароларнинг туражойларига тўғри келади. Уларда 8 нафар киши ҳалок бўлиб, 37 киши турли даражада тан жароҳати олди. Биргина газ асбоб-ускуналарининг нотўғри қурилиши ёки ўрнатилиши қоидаларининг бузилиши оқибатида 356 та ёнғин содир бўлди.

Масалан, Чиноз тумани Кўтарма қишлоғидаги Исломобод маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Н. Қодировага қарашли уйда газ плитаси қаровсиз қолдирилганлиги оқибатида ошхона томи ва шифти ёнган. Оққўрғон шаҳар Ибн Сино кўчаси 48-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ю. Ўринбоевга қарашли уйда эса, газ печининг мўриси носозлиги оқибатида ёнғин чиққан.

Шунингдек, Юқоричирчиқ тумани «Оқовул» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Б. Икромовга қарашли хонадонда ҳам худди шундай нохушлик юз берган.

Ёнғин билан боғлиқ бундай ҳодисалардан сақланиш, ёнғинларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик учун газ печларининг соз ҳолда ишлашини мунтазам назорат қилиб туринг, тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг. Зарурат туғилганда ҳам ясама ва носоз иситиш мосламаларидан умуман фойдаланманг. Газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишониб топширманг. Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритманг. Газ мосламаларига резина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланманг. Агарда газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идоралари ходимларидан рухсат олиб, бу ишни мутахассислар орқали амалга оширинг.



Оловдан эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш эса, ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Ҳамма вақт огоҳ ва ҳушёр бўлсак, ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига риоя этсак, лоқайдликка чек қўйсаккина ҳар кунимиз хотиржамликда, тинч ва осуда ўтади.

**Барно СОДИҚОВА,**
**вилоят ИИБ ЁХБ инспектори.**

## Диққат:

# «ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари вилоятимизда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий санъат намоёндаларини ва бошқа ижодкорларни иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни тарғиб қилиш, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, ижтимоий ҳаётимиздаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёндаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга даъват этиш мақсадида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий «Энг улуғ ва энг азиз» танловига таклиф этадилар.**

**Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

– Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;

– Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари;

– Тасвирий санъат асарлари.

**Тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб жўнатилиши керак:**

– Муаллиф ва унинг касбий фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– Муаллиф паспортининг нусхаси;

– Иш жойидан тавсиянома;

– Муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Ижодий ишлар «Энг улуғ ва энг азиз» танловига 2007 йилнинг 25 июлига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

- Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси.
- Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими.
- Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг вилоят бўлими.
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими.

**Телефонлар:** 136-27-30, 133-64-95, 277-95-10, 277-95-86.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

**Футбол бўйича Осиё чемпионати беллашувларида "С" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси чорак финал йўлланмаси учун гуруҳдаги сўнгги тур учрашувини Хитой терма жамоасига қарши ўтказиб, муҳим ғалабани қўлга киритди.**

Ўйиннинг биринчи бўлимида ҳар икки жамоа вакиллари рақиб дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиятларни юзага келтирди. Бироқ, бу ҳаракатлар самара бермади. Етмишинчи дақиқада терма жамоамиз сардори Максим Шацкихнинг йўллаган тўпи рақиб дарвозаси тўридан жой олди – 1:0.



Шундан сўнг хитойликлар ўйини унча қовушмади. Бундан вакилларимиз унумли фойдаланишди. Кетма-кет уюштирилган шиддатли ҳужумлардан сўнг футболчиларимиз рақиб дарвозасини яна икки бор ишғол қилишди. Голлар Темур Копадзе ва Александр Гейнрих ҳисобига ёзилди – 3:0.

Шундай қилиб, футболчиларимиз гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқич беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Қ. ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МДҲда УЧИНЧИ!

**Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА жаҳон мамлакатлари терма жамоаларининг июль ойидаги янги рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Унга кўра, айни пайтда футбол бўйича давом этаётган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўрт поғона юқорилаб, рўйхатнинг 54-қаторидан жой олди.

Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз 17-ўринда бораётган Украина ва 23-поғонада қайд этилган Россия терма жамоаларидан кейин – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари орасида учинчи кўрсаткичга эга.

Қитъамиз мамлакатлари орасида эса ўзбекистонлик чарм тўп усталари Япония (36-ўрин), Эрон (46-ўрин) ва Осиё футбол конфедерациясининг (ОФК) янги вакили – Австралиядан (49-ўрин) сўнг тўртинчи ўринда бормоқда.

ФИФА рейтингининг энг юқори қисмида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Шу пайтгача дунёнинг энг кучли жамоаси сифатида биринчи поғонани эгаллаб келган амалдаги жаҳон чемпионлари – Италия футболчилари ўз ўрнини яқинда "Копа Америка" турнирида ғолиб чиққан Бразилияга бўшатиб берди. Шунингдек, мазкур турнир финалида бразилияликларга имкониятни бой берган Аргентина терма жамоаси ҳам Италияни учинчи поғонага тушириб, иккинчи ўринга чиқди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

***Украинанинг Мариупол шаҳрида бокс бўйича ўтган анъанавий халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Исроил, Ирландия, Озарбайжон, Россия, Туркия ва Филиппиндан келган спортчилар ғолиблик учун курашди.***

Боксчиларимиздан Тўлашбой Дониёров ва Дилшод Маҳмудов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Абдуғофур Умаров, Баҳодир Мамажонов ва Шерзод Абдураҳмонов эса кумуш медалга сазовор бўлди. Яна бир спортчимиз Олимжон Назаров бронза медаль билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик спортчилар иккинчи ўринни эгаллади.

## АФРИКАДАГИ ТАҚДИМОТ

***Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, Жазоирда бўлиб ўтган Умумафрика ўйинларида курашнинг тақдимот маросими ўтказилган.***

Уни қирқдан зиёд мамлакатнинг олимпия қўмиталари вакиллари ва минглаб томошабинлар кузатиб борди. Тадбирда Африка қитъасининг бир қатор давлатларидан келган полвонлар кураш қоидалари, техникаси ва тактикаси билан таништирилди. Сўнг курашнинг ватани — Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи "Кураш" фильми намойиш этилди.

Африка олимпия ассоциацияси президенти ва Африка кураш конфедерацияси фахрий президенти Ласанно Паленфо қитъада курашнинг ривожига қўшган катта ҳиссаси учун Кураш халқаро ассоциациясининг Олтин ордени билан тақдирланди.

## СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

***Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида бокс бўйича 1990-92-йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ташкил этилди. Унда юртимиз спортчилари билан бирга Ҳиндистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Туркманистондан келган 120 нафар ёш чарм қўлқоп устаси 14 вазн тоифасида беллашди.***

Мусобақаларда фарғоналик спортчилар яхши натижаларга эришишди. Улардан Ф.Норматов, М.Рўзиев, А.Акромов, М.Аҳмедов, Р.Алижонов, А.Раҳмонов, Ў.Раҳмонов ҳамда Ш.Исоқжонов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди. Шунингдек, андижонлик С.Содиқов, Б.Машрапов, чирчиқлик Д.Мадаипов ва бекободлик Ф.Ғойибназаров ўз вазнида ғолиб чиқди.

Мазкур мусобақа шу йилнинг 30 август — 9 сентябрь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтади.

## БРОНЗА МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Филиппин пойтахти Манила шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати якунланди. Вакилларимиздан Элдор Ҳафизов, Жаҳонгир Мўминов ва Суҳбат Ҳожиев ўз вазн тоифасида мусобақанинг бронза медали соҳиблари бўлишди.

## БОКУ ШОҲСУПАСИДА

***Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида хотин-қизлар ўртасида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида йигирмадан зиёд мамлакатдан келган энг кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашди.***

Чемпионатда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Нодира Қозоқова 65 килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаль билан тақдирланди.

**ЎзА.**

Саҳифа меҳмони

## «СИЗНИ ҲАЁТ МЕНГА БЕРДИ...»

**Инсон табиатидаги энг ноёб хусусият кўнгилга ошнолик, дилга яқин кишиларни қўмсаб яшашдир.**
**Саҳифамизнинг навбатдаги меҳмонлари сизга яхши таниш бўлган, кинофильмлар, саҳнадаги ажойиб роллари билан юрагингиздан жой олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актёрлар Гавҳар Зокирова ва Жамшид Зокировлардир. Қаҳрамонларимизнинг ҳаёт дафтарида айниқса, оила аталмиш бўстоннинг турфа рангдаги жилолари борки, бу ҳар қандай зукко муштарийни бефарқ қолдирмайди, ҳаётга, инсонларга бўлган муҳаббатини янада оширади, мустаҳкамлайди.**



– Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ телевизорда кўрсатиладиган барча саҳна асарларини, артистларнинг ижроларини диққат билан кузатардим, уларга ҳавасим баланд эди, – дейди Гавҳар Зокирова. – Чунки уларда катта ҳаёт нафасини ҳис этар, шодликларига қувониб, қайғуларига ҳамдард эдим. Балки шунинг учун ҳам тақдир менга мана шу табаррук саҳна ҳаётини, машҳур инсонлар билан ҳамнафас бўлиб яшашни раво кўргандир.

**– Сизни машҳур санъаткорлар сулоласи Зокировлар хонадонининг келини эканлигизни кўпчилик яхши билади.**

– Ҳа, очиғини айтай, мен бундан фахрланаман. Лекин, қайнотам Ўзбекистон халқ артисти, раҳматли Карим Зокировни нафақат санъаткор, балки олижаноб инсон, бағрикенг, жонкуяр ота, меҳр-оқибатли, садоқатли умр йўлдош эканликлари учун жуда ҳурмат қилар эдим. Жамшид акамлар ҳам ана шундай улуғ инсоннинг ўғиллари, кибр-ҳавони билмайдиган, камтарин, очиққўнгил инсон.

**– Оддий томошабин учун эр-хотин актёрларнинг ҳаёти фақат ўйнаб-кулишдан иборатдек...**

– Ҳаётимдан нолимайман. Ҳақиқатан ҳам, сершовқин, сермазмун ҳаётимизда ўйнабкуладиган пайтларимиз кўп бўлган. Лекин санъаткорнинг машаққатли меҳнати, сабр-тоқат, иродаси туфайли эришиладиган бахтли ҳаёти муқаддас оила барқарорлигидадир. Оилани асраш, ҳуш хулқли, одоб-ахлоқли фарзандларни тарбиялаш эса энг шарафли вазифа. Бу вазифани уддалаб келаётганлигимдан бахтиёрман.

**– Алалхусус, оилани асраш мураккаб вазифа, айниқса, санъаткорлар учун. Баъзи кўзга кўринган, исми айтилса, ҳамма танийдиган санъаткорлар ҳам «бу соҳани танлаганларда шахсий ҳаёт бўлмайди», дея иддао қилишади. Сиз бунга нима дейсиз?**

– Тўғри, инсон табиати жуда мураккаб. Соатларни айтмай қўя қолай, дақиқа сайин ўзгариб, минг хил тусда товланиб, ижобий ва салбий сифатлар гирдобида жонсарак кун кечирувчи замондошларимиз ҳам бор. Лекин фақат санъаткорлар эмас, қолаверса, ҳар ким ўз дунёқараши, маънавий савияси даражасида фикр юритади, шунга монанд ҳаракат қилади.

**– Саҳнада, кинода бошқанинг умр йўлдоши бўлиб роль ижро этиш оилавий муносабатларга таъсир қилмайдими?**

– Бу саволингизга яқинда намойиш этилган «Севаман дедимми?» спектаклидан қисман бўлсада, жавоб топишингиз мумкин. Унда Жамшид акам билан ўтказган қарийб ўттиз беш йиллик умр дафтаримиз томошабин олдида, бизни шу даражага етказган халқимиз кўз ўнгида бир-бир варақланади гўё. Ўз касбини севган киши унинг машаққатларига ҳам чидайди-да?! Жамшид акамлар ҳам эр сифатида рашк қилади, буни инкор этолмайман. Аммо, бирга роль ижро этишнинг завқи, ҳузури бошқача. Ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракатинг юрагингдан отилиб чиқади. Ҳар бир ҳолат табиий!

Биласизми, санъаткор, айниқса, театр актёри саҳнада яшайди гўё. Агар ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам умр йўлдошинг айнан бир киши бўлса-чи?!

... Ҳақиқатдан ҳам драматург, театршунос Санжарали Имомов қаламига мансуб «Севаман дедим-ми?» деб номланган спектаклни ўн кун давомида томошабинлар катта қизиқиш билан кузатиб борганлари рост. Унда нафақат театр актёрлари ҳаёти, умуман гуркираган ёшлик пайтлари ўтиб, маълум ёшга етгач, эътибор, эл назари тансиқроқ бўлиб қолган инсонларнинг руҳияти, ички кечинмалари бир оила мисолида, ҳаётий воқеалар орқали акс эттирилган. Уни Жамшид ва Гавҳар Зокировалар маҳорат билан ижро этишди. Эътиборли томони томошабин саҳнада ўз ҳаётини четдан кузатади, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўзни диққат билан тинглаб, томоша қилади. Шунингдек, оила аталмиш мустаҳкам қўрғоннинг устунлари, эр ва хотин муносабатларидаги мураккаб вазиятлар, муаммоларини ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ақл кўзи билан енгиб ўтишлари, ҳар бир томошабин кўнглига эзгулик уруғини қадаган бўлса не ажаб. Спектакль давомида эр бирор марта ҳам хотинига «севаман» деб таъкидламайди. Лекин унинг нигоҳи, хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи буни исботлаб тургандек...

... Спектаклда оила бошлиғи ролини маҳорат билан ижро этган Жамшид Зокиров билан суҳбатни давом эттирамиз.

**– Айтинг-чи, Гавҳар опани қандай қилиб топгансиз?**

– Э, э, нимасини айтасиз, лотереяга ютиб олганман. Ана, боя саҳнада айтдим-ку, «менга тегмасанг, эрсиз қолардинг», деб. Лекин ҳозир кўрганларингиз ҳаммаси ҳақиқат. Қаранг, агар ҳар ким бошидан кечирган воқеаларни сўзлаб берса, битта саҳна асари чиқаверар экан-да! Балки, шундайдир? Энди, оила масаласига келсак, Гавҳар опангиздақа меҳрибон, садоқатли, қаноатли, шу билан бирга «эркатой» хотин йўқ бу дунёда. Ҳали ўзи айтди-ку, йигирма йил аввал, битта қандни бўлиб еган кунларимиз ҳам бўлган деб. Ана шунинг учун ҳам севаманда опангизни. Ҳозир эса, ўша сабр-қаноатнинг тубидаги олтинга етдигов, чамамда. Бу ҳам бўлса мустақиллигимиз шарофатидан. Бу қуруқ гап эмас. Бир пайтлар санъаткор тўйга боришга қўрқар эди, тўғрими? Дарров газетага уриб чиқишарди. Ҳозирчи, ҳамма нарсага, ҳар бир фаолиятга, йўл очиқ. Фақат меъёрни билсанг бас. Демак, яшаш, ишлаш учун шароит, имконият етарли. Оилаларимиз барқарорлиги, мустаҳкамлигига кафолат бор.

Ана шунақа гаплар. Хуллас, «кенгга кенг дунё»нинг хосиятига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик, десак хато бўлмас.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛ қизи.**

Бекажон

## ЁЗГИ САЛАТ

__Керакли масалликлар:__
250 гр. ёғ, 3 та булғор қалампири, 3 та бақлажон, 3 та помидор, 3 та бодринг, табга кўра саримсоқ пиёз, туз, сирка, турли хил кўкатлар.

Булғор қалампири ва бақлажон сомонча шаклида йирик-йирик қилиб тўғралади ва қизиб турган ёғда қовуриб олинади. Ўртача катталикдаги идишга солиниб, совугач, шундай шаклда тўғралган помидор ва бодринг қўшилади. Сўнг саримсоқ пиёз, сирка, туз, кўкатлар билан аралаштирилади.

Салат ликопчаларга солиниб, дастурхонга тортилади.

Бу қизиқ

## ЎН БИР ЁШЛИ РЕЖИССЁР

Италияда давом этаётган Халқаро болалар кинофестивалида энг ёш режиссёр – ўн бир яшар Кишан Шрикант иштирок этмоқда. Ҳиндистонлик бу болакай "Йўлкани асра" фильми билан қатнашаётир.

Мазкур кинофестиваль 1971 йилдан буён ўтказилади. Қизиғи шундаки, ҳайъат аъзолари ҳам болалардир.

## ҲИНДИСТОНЛИКЛАР ТАКЛИФИ

Ҳиндистоннинг "Тата моторс" автомобилсозлик корпорацияси "Форд" концернига тегишли бўлган "Ягуар" ва "Ленд Ровер" автомобиль маркаларини сотиб олиш ниятида эканини маълум қилди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, "Тата моторс" корпорацияси жорий йилнинг ўзида Европанинг "Корус" компаниясини ўн икки миллиард АҚШ долларига сотиб олган экан. "Ягуар" ва "Ленд Ровер" маркалари 1,5 миллиард АҚШ долларига баҳоланган.

Агар икки ўртада келишувга эришилса, "Тата моторс" жаҳон бозорида автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик корпорациялардан бирига айланади.

**ЎзА.**



## СОҒИН СИГИРНИНГ СОҒИНЧИ

*Ҳикоя*

Бу ҳикояни тоғли Нанай қишлоғида яшовчи кекса отахон Тўхтамурод Шодиевдан эшитган эдим.

Танғоз дарёсининг бошида, Косатарош қишлоғида Умматали деган этикчи бўларди. У эл-юртнинг оёғини бутлаб, йиртиғини ямаб, тери топса этик, маҳси-кавуш тикиб кун кўрарди. Косибни кўпчилик боқади, дейдилар. Косиб бой бўлмайди, лекин очидан ҳам ўлмайди. Унинг бир бурда нони ҳамиша топилади.

Умматали тўрт мучасини саломат қилгани учун Аллоҳга шукрона келтириб, яшаб юрувди. Тўсатдан бой-қулоқ, деган бало-қазолар чиқиб қолди.

Сал бўлмаса, Умматали ҳам бой-кулоқ бўлиб ҳайдалиб кетай деди. Ҳар куни чарм камзул кийиб, бошига қизил юлдузли шапка қўндирган саллот билан маҳалла оқсоқоли уйма-уй кезади. Ҳамманинг мол-мулкини хатлайди. Бир эчкиси, икки товуғи бор кишига тегишмайди, аммо отингиз, ҳўкизингиз, тўртдан ортиқ қўй-эчкингиз ё сигир-бузоғингиз бўлса, тамом – сиз ёт унсурсиз, сиз камбағал бечораларнинг қонини зулукдек сўрган бойсиз. Сизнинг молингиз мусодара қилинади, ҳатто кўрпангиздаги пахтагача суғуриб олинади, ўзингиз бегона юртларга сургун қилинасиз.

Умматали этикчининг ҳам яғир эшаги, икки эчкиси ва соғин сигири бор эди. Қулоқ бўлиш навбати ўзига келганини сезиб қолган Умматали бир эчкини сўйиб, этини қўни-қўшниларга тарқатди, иккинчисини эса Камарда турадиган қизига бериб юборди. Ўтин ташигани асқотиб қолар, деб эшагини олиб қолдию, сигирини тоққа қараб ҳайдади. Чимматдара эгалари тониб кетган мол-жонга тўла эди. Қишлоқдаги ўзига тўқ кишиларнинг бари бой-қулоқ тамғасидан қўрқиб сигирларию отлари, қўй-эчкиларини тоғ ичкарисига ҳайдаб юборган эди. Умматалининг ёлғиз соғин сигири ҳам уларнинг қабатига бориб қўшилди. Тиззадан майса, тўрт тараф арчазор, шилдираган тиниқ булоқлар. Ям-яшил яйловда ўнлаб эгасиз мол эмин-эркин ёйилиб юрар, одатдагидек, кун ботарга яқин подачи уларни қишлоққа ҳайдамасди.

Кун кетидан кун ўтди. Умматалининг сигири салқин дарада мириқиб ўтлаб юраверди. Сағриси йилтираб, баданига жир битди. Мўл-кўл емиш билан тоза ҳаводан сути кўпайди. Энди у кунига елинини мойлаб соғадиган нозик қўлларни, келдингми, говмишим, деб бўйнига шапатилаб кутиб оладиган эгасини, Умматалининг қашлагич билан эринмай аста-аста қашлашларини соғина бошлади. Нега эгаси йўқлаб келмаётганини ўйлади ва бир куни кечга яқин уйига қараб йўлга тушди. Оқшомлатиб ҳовлисига кириб борди. Одати бўйича мугузи билан кичкина эшикни сузиб очмоқчи бўлди. Бироқ эшик очилмади. Кейин чўзиб мўради. Ичкаридан товуш бўлмади. Говмиш қайта-қайта мўради. Эшикни қаттиқроқ суза бошлади. Ниҳоят, «Ҳозе-ер! Ким у?» деган қадрдон овоз эшитилди. Лўкиллаб Умматали чиқди. У эшикни очди, лекин сигирини ичкари киритмади. Сигирнинг бўйнидан қучоқлаб арзи ҳол айтди:

– Келдингми, халоскорим! Сени жуда соғиндик. Не қилай, иложим йўқ, ҳозирча сени уйга кирита олмайман. Ён-атрофимда чақувчилар қулоқларини динг қилиб туришибди. Ана, Умматалининг ҳам соғин сигири бор, деса тамом, уйим толонда, ўзим сургун бўламан. Тўрт болам етим бўлиб қолади, тушундингми, говмишой? Энди изингга қайт, биров кўриб қолмасин, ҳозирча ўша тоғдаги шерикларинг билан бирга юратур. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, елкамизга офтоб тегиб қолар. Боракол, жонивор, хафа бўлма, майлими...

Умматали кўзёш тўкиб сигирини олдига солиб ҳайдади. Икки юз қадамча юриб, изига қайтди. Сигир ҳам тўхтади. Тоғ тарафга оёғи тортмас, елинидан тизиллаб оқаётган сутни Умматалининг болаларига илиниб, тек турарди. Охири яна чўзиб «мў-ў!» дедию бир-бир босиб Чимматдарага қараб кетди.

Орадан уч кун ҳам ўтмади. Умматалининг бошида чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлади. Бирон чақувчи айтганми, ҳалиги чарм камзул кийган олакўз саллотлар кечаси бостириб киришди. «Сигиринг қани? Нега уни биздан яширдинг?» дея зуғум қилди. Умматали, ўламан саттор, сигирим йўқ, ишонмасанглар, ана, кўринглар деб ялинди. Саллотлар оғилни, қазноқни, томорқани обдон кўздан кечириб чиқишди.

– Эртагача сигирни топиб, мана бу ерга боғлаб қўй, бўлмаса ўзингдан кўр,– деб чиқиб кетишди.

Умматалига туғилган қишлоғи харом бўлган эди. У бош олиб кетишга қарор қилди. Тонг саҳар бор-будини эшакка ортди. Тўрт боласи билан хотинини етаклаб, Хисор тоғнинг нариги бетини кўзлаб жўнади.

Олаговмиш Чимматдарадаги подага қўшилиб, уч кун юрди. Тўртинчи куни чидамади. Елиб йўлга тушди. Пешинда ҳовлисига етиб келди. Эшик очиқ эди, лўкиллаб кирди, молхонага мўралади. Ҳеч ким кўринмади. қозиғи билан арқони турибди, лекин Умматали йўқ эди. Говмиш ичкари ҳовлига ўтди, қайта-қайта мўради, лекин эгаси сас бермади. У чўзиб мўраганча ҳовлини гир айланиб чопа бошлади. Йирик-йирик кўзларидан шода-шода ёш тўкилди, сутга тўлиб, араванинг чўнтагидай шишиб кетган елинидан тирқираб оппоқ, ёпишқоқ сут оқаверди. Говмиш жон ҳолатда эгасини қидириб, гирён чопар, туёқлари зарбидан ер ларзага келар, ҳирқироқ товушидан дов-дарахтлар зирқираб титрар, бироқ Умматалидан дарак йўқ эди. Говмиш чопа-чопа охири ҳолдан тойди ва айвон остонасига гупиллаб йиқилди. Бошини остонага бир-икки урди-ю, инграб жон берди.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

Рассом хандаси




**Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.**

Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2004 йил 6 январда хусусий тадбиркор Газизова Наталья Валерьевна номига берилган № 1000353 рақамли патент йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО «Бодур» (ОКПО 19205213) Мирабадского района г. Ташкента сообщает об уменшении уставного фонда с 120328000 сум до 65217776 сум.

Претензии принимаются в течение двух месяцов по адресу: ул. Шахрисабзская 10 В.

Тошкент вилоят халқ таълим бошқармаси жамоаси 2-сонли махсус болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари комплекс спорт мактаби раҳбари
**Геннадий Иосифович ЯКОБСОН**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши жамоаси Тошкент вилояти марказий шифохонаси бош шифокори, вилоят кенгаши аъзоси Дилором Рўзиевна Юсуповага онаси
**МУНИСАХОН ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
__Муассис:__
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

__Телефонлар:__
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

__Манзилимиз:__
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 3748. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 2 3 4 5 6